

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ЎСИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

**Асатуллаев Хуришид Сунатуллаевич,**

*Тошкент молия институти "Иқтисодиёт" кафедраси, профессори  
Тошкент, Ўзбекистон.*

*Email: [www.asatullayev75@mail.ru](mailto:www.asatullayev75@mail.ru)*

*ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-7725-4197>*

**Хаджаев Хабибулла Сағдуллаевич,**

*"Иқтисодий хавфсизлик" кафедраси доцент вазифасини бажарувчи  
Тошкент, Ўзбекистон. Email: [khabibulla\\_1965@mail.ru](mailto:khabibulla_1965@mail.ru), [khabibulla1965@gmail.com](mailto:khabibulla1965@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0003-3252-2295*

## INCLUSIVE GROWTH AND POVERTY REDUCTION IN UZBEKISTAN

**Asatullaev Khurshid Sunatullaevich,**

*Tashkent Financial Institute, department of "Economics" professor  
Tashkent, Uzbekistan.*

*Email: [www.asatullayev75@mail.ru](mailto:www.asatullayev75@mail.ru)*

*ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-7725-4197>*

**Khadzhaev Khabibulla Sagdullaevich,**

*Tashkent Financial Institute, Department of "Economic Security" associate professor  
Tashkent, Uzbekistan. Email: [khabibulla\\_1965@mail.ru](mailto:khabibulla_1965@mail.ru), [khabibulla1965@gmail.com](mailto:khabibulla1965@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0003-3252-2295*

### **JEL Classification: H1, H7**

**Аннотация.** Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш жараёнларини аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи ижтимоий ва экологик муаммолар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш инклюзив ўсиш масалаларининг бош мақсади ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардаги каби инклюзив ўсишни таъминлаш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартириш муҳим. Мақолада инклюзив ўсишнинг моҳияти, мамлакатлар иқтисодиётини тараққий эттиришдаги аҳамияти шу масалалар билан шугулланган хориж мамлакатлардаги олимлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг экспертлари

томонидан бу тушунчага берилган изоҳлар талқини ўз ифодасини топган. Турмуш даражасининг секин ўсиши ва тенгсизликнинг кучайиши кўплаб мамлакатлар иқтисодиётида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг нурашига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, юқори турмуш даражасини таъминловчи, кенгроқ қамраб олувчи ва барқарор ўсиш ва ривожланиш модели зарурлиги тўғрисида янги гоя пайдо бўлишига сабаб бўлди. Иқтисодий ривожланиш ва даромадлар ўртасидаги тафовутни қисқартириш борасида, Жаҳон Иқтисодий Форумининг Иқтисодий тараққиёт истиқболларини шакллантириш бўйича ташаббуси инклюзив ўсиш ва ривожланиш

амалиётда, макроиқтисодий сиёсатнинг янги асоси ва самарадорлик кўрсаткичини жорий қилди. Ушбу тизим таркибий тузилмаларнинг 15 та йўналишини белгилайди. Бир вақтнинг ўзида юқори ўсиш жараёнларида иштирок этишининг ижтимоий томонларини қўллаш ва бундай ўсишнинг афзалликларига ҳисса қўшиш потенциалига эга бўлган иқтисодий сиёсат ва институционал кучни барпо этади. Ушбу соҳалардаги тузилмавий сиёсат ва институтлар биргалликда замонавий бозор иқтисодиётини аҳоли турмуш даражасидаги ютуқларини тарқатадиган тизимни ифодалайди. мамлакатлар кўпинча бу соҳалардаги сиёсатнинг ўсиш суръатларини ошириш ва унинг афзалликларини, айниқса талаб чекланган ва маҳсулдорлик паст даражада бўлган шароитида кенгроқ тарқатиш имкониятларини қадрлай олмайдилар.

Макроиқтисодий, барқарорликни таъминлашда молиявий ҳамда ташиқ савдо сиёсатларига етарлича аҳамият бермаслик кўпгина ҳукуматларнинг сўнгги ўн йилликларда технологик ўзгаришлар ва глобаллашув кучайиб бораётгани сабабли кенгайиб бораётган тенгсизлик ва ўртача даромаднинг турғунлигига нисбатан самаралироқ жавоб чораларини сафарбар қила олмаслигининг асосий сабабидир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида камбағалликни қисқартириш ва инклюзив ўсишни таъминлаш бўйича қўйилган мақсадларга таянган ҳолда инклюзив ўсиш ва камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалаларни Ўзбекистонда амалга

ошириш жараёнлари қисқача баён этилган.

**Abstract.** Analysis of economic growth processes in the world economy in connection with social and environmental problems affecting the standard of living of the population is the main goal of inclusive growth issues. For this reason, it is important to increase the standard of living of the population and reduce poverty by ensuring inclusive growth in Uzbekistan, as in other countries.

In the article, the essence of inclusive growth, its importance in the development of the economy of countries, the interpretation of the comments given to this concept by the experts of foreign countries and international organizations dealing with these issues is expressed. Slow growth in living standards and rising inequality have led to the erosion of social cohesion in the economies of many countries. This, in turn, led to the emergence of a new idea of the need for a more inclusive and sustainable growth and development model that provides a higher standard of living.

In terms of narrowing the gap between economic development and income, the World Economic Forum's Economic Development Perspectives Initiative has introduced a new macroeconomic policy framework and performance indicator for inclusive growth and development practices.

This system defines 15 directions of structural structures. At the same time, it builds economic policies and institutional capacity that have the potential to harness the social aspects of participation in high growth processes and contribute to the benefits of such growth.

The structural policies and institutions in these areas together represent the system by which the modern market economy distributes the gains in living standards. Countries often fail to appreciate the

*potential of policies in these areas to increase growth and spread their benefits, especially in contexts of limited demand and low productivity.*

*Inadequate emphasis on macroeconomic, fiscal and foreign trade policies for stability is the main reason why many governments have failed to mobilize more effective responses to the widening inequality and stagnation of average income in recent decades due to technological change and increasing globalization.*

*In addition, the processes of implementation of issues related to inclusive growth and poverty reduction in Uzbekistan based on the goals set for poverty reduction and inclusive growth in the new development strategy of the Republic of Uzbekistan for 2022-2026 are briefly described.*

**Калим сўзлар.** инклюзив ўсиш, фаровонлик, турмуш даражаси, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш.

**Key words.** inclusive growth, prosperity, standard of living, poverty, poverty reduction.

**Кириш.** Ҳар қандай дунё мамлакатларининг асосий мақсади аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини таъминлаш жараёнларини тахлили қилиш орқали мавжуд камчилик ва муамолар ечимини топиш, минтақалар иқтисодиётида иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларига аҳоли даромадлари табақаланишининг статистик боғлиқлигини аниқлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ҳолатга баҳо бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда Бирлашган миллатлар ташкилоти, халқаро молиявий иқтисодий ташкилотлар, нодавлат ассоциацияларнинг фаолиятининг бош мақсадларидан бири аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади. 2020 йил бошида дунёдаги ўта камбағаллар сони 689 миллион кишини ёки дунё аҳолисининг 9,2 фоизини ташкил қилди. Бироқ, COVID-19

пандемияси, минтақалардаги можаролар ва иқлим ўзгариши туфайли глобал қашшоқлик юқори даражага етишга улгурди. 2020 йил учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Жаҳон банки қўшимча 88-115 миллион киши ўта қашшоқлик даражасига тушиб қолишини ва уларнинг умумий сони 703 миллиондан 729 миллионга етишини прогноз қилмоқда. Бундан ташқари, қашшоқлик географияси энг қашшоқ Африка давлатларидан ўртача даромадли мамлакатларга қадар кенгайиб бормоқда, прогнозларга кўра, 2022 йилнинг бошига қашшоқларнинг сони 82 фоизгача ўсиши тахмин қилинмоқда. [1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, "...иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. [2]

Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «2022 йилда "Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чораларини кўриш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Иқтисодиётни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар 2026 йилгача камбағаллик даражасини икки баробар қисқартириш мақсадидан келиб чиқади. Бунда белгиланган мақсадларга эришишнинг асосий шарти сифатида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётни ривожлантириш белгиланган. [3]

Камбағалликни қисқартириш, инсонлар яшаш даражаси ва ҳаёт фаровонлигини ошириш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг

76-сессиясида қилган муурожаатида “Асосий мақсадимиз – 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” каторига киришдир. Бу режамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари руҳига уйғун эканини таъкидлаш лозим” эканлигини айтиб ўтган эди. Бу ўз навбатида даромадларни ўртача йиллик ҳисобда 6 фоизга ўстириш ҳамда йилига 500 минг иш ўрни яратиш лозимлигини англатади. Бу мақсадлар камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг 40 фоизли қуйи қатламини фаровонлигини оширишга қаратилган Жаҳон банки мақсадларига тўлиқ мос келади.

Бу вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда инклюзив ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш орқали камбағалликни қисқартиришга таъсир кўрсатади. Шундай экан, камбағаллик муаммосини ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш ва вужудга келиш сабабларини аниқлаш келгусида мазкур муаммони ўз вақтида амалий ҳаётда бартараф этилишига ҳамда аниқ дастурамал чораларни кўриш имконини беради.

**Материал ва метод.** Макроиқтисодий жараёнларнинг асосий мақсади жамият аъзоларининг фаровонлик даражасини оширишдан иборатдир. Шу сабабдан ҳам янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир [4]

Бизга маълумки, инсонлар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озик-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади.

Турмуш даражасини мамлакат даражасида бутун аҳоли учун қараб чиқиш турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланишининг ўзгариб бориш жараёнларини таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси камбағалликнинг бошланиши сифатида чиқади.

Дунё мамлакатлари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди. Шунда иқтисодий тенгсизликни камайтирувчи механизм керак бўлади. Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали бу тенгсизлик қисман камайтириш имконияти мавжуд, бироқ шу ўринда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилувчи янги механизмдан ҳам фойдаланса бўлади. Бундай механизм сифатида аҳоли камбағаллигини қисқартириш ечимини топиш мақсадида ишлаб чиқилган инклюзив ўсиш концепцияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ижтимоий сиёсатни амалга оширишда инклюзив ўсиш концепциясидан камбағалликни қисқартиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур мақсадга эришиш дастлаб инклюзив ўсиш тўғрисида маълумотларга эга бўлишни талаб этади. Инклюзив ўсиш иқтисодий ўсиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб. Мазкур вазифани ҳал этиш кўп жиҳатдан инклюзив ўсишни таъминлашга таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам Жаҳон банки томонидан охириги ўн йилликка келиб иқтисодий ўсиш сифатини ижтимоий масалалар билан уйғунликда талқин этувчи инклюзив ўсиш тушунчаси қўлланилган. [5]

Иқтисодий ўсиш ва унинг инклюзив жиҳатлари билан боғлиқ қатор изланишлар хориж олимлари томонидан амалга оширилган. Бу борада М.Спенс ҳамда Р.Солоу иқтисодий ўсишнинг ижтимоий натижаларини оширишда инклюзив ўсиш мезонларини тадқиқ этиш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилган бўлсалар [6], Э. Корсо томонидан иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришини инклюзив ўсиш сифатига таъсири [7], К Сен томонидан эса институционал бирликларнинг иқтисодий ўсиш сифатини инклюзив жиҳатларига таъсири [8] баён этилган. П. Веллала, М. Мадала ва У. Чаттопатхая инклюзив ўсиш кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни тадқиқ этганлар. [9] Аояги ва Ганелли изланишларида ишсизликни камайтириш, савдони ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган макроиқтисодий сиёсат асосида инклюзив ўсиш сифатини ошириш ётиши баён этилган. [10]

Даромадлар ва тўпланган бойликларнинг аҳоли ўртасида нотекис тақсимланиши бутун дунёда ижтимоий кескинлик ўсишининг натижаси бўлиб, камбағалликни юзага келтиради.

Камбағалликни қисқартириш ечимини топиш учун ҳам инклюзив ўсиш концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепция иқтисодий ўсишдан олинган фойдани аҳоли ўртасида янада тенг тақсимлашни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни яратиш жараёнига манфаатдор томонларнинг турли

гуруҳларини жалб қилишни назарда тутди. Ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш орқали камбағалликни қисқартириш ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришишга қаратилган самарали ички сиёсатни шакллантириш учун мамлакатлардаги инклюзив ўсиш индекси янги мезон бўлиб хизмат қилади.

**Натижалар.** Инклюзив ўсиш кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ушбу атаманинг турли хил таърифлари мавжуд. [11] Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти инклюзив ўсишни "... аҳолининг барча қатламлари учун имконият яратадиган ва ўз фаровонлигини ошириш учун жамиятдаги моддий ва номоддий манфаатларни тенг равишда тақсимлайдиган иқтисодий ўсиш" деб таърифлайди. [12]

Жаҳон банки мутахассислари эса "... инклюзив ўсиш - бу одамларнинг иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши ва ундан фойда олишига имкон берадиган ўсиш" [13] деб таърифлайдилар. Осиё тараққиёт банки мутахассислари томонидан инклюзив ўсиш "... нафақат янги иқтисодий имкониятлар яратиш, балки жамиятнинг барча тармоқлари, айниқса камбағаллар учун имкониятлардан тенг фойдаланиш имкониятини берадиган ўсиш" эканлиги эътироф этилган. [14] БМТ Тараққиёт Дастурига кўра, "инклюзив ўсиш концепцияси одатда ... иқтисодий ўсишдан биргаликдаги фаровонликни англатади". [15]

Халқаро валюта Жамғармаси изоҳига кўра "... инклюзив ўсиш иқтисодий ўсиш учун имтиёзлар ва имкониятларни кенг тақсимлаш билан боғлиқ бўлиб, тармоқларнинг мустаҳкам ва инклюзив ўсишини акс эттиради, бутун ишчи кучи учун самарали иш билан таъминлашга ёрдам беради, тенг имконият яратади. бозорлар ва ресурсларга кириш ва аҳолининг заиф гуруҳларини ҳимоя қилиш». [16]

Инклюзив ўсишни аниқлашнинг асосий мезонлари даромадни ёки ялпи ички маҳсулотни ошириш билан бир қаторда кенг кўламли мақсадларни мўлжаллаш ҳамда тенгсизлик ва

камбағалликни қисқартириш ва бошқа шу кабилардан иборат.


Сўнги ўн йилликда "умумий ўсиш" (shared growth), "камбағалликга мўлжалланган ўсиш" (pro-poor growth), "ҳаққоний ўсиш" (equitable growth) тушунчалари шаклида инклюзив ўсиш ишлатилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда инклюзив ўсиш замонавий ривожланишнинг марказий ғоясига айланди. Тенглик тамойилига асосланиб, инклюзив ўсиш иштирок этиш ва фойдани баҳам кўришни билан боғлиқ натижалар ҳамда жараёнларни ўз ичига олади. Ўсиш ҳали ҳам камбағалликни камайтиришга қаратилган ҳар қандай уринишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолаётган бўлса-да, тақсимотнинг нейтрал ўсишига қараганда қайта тақсимлаш ўсиши самаралироқдир. Шу нуқтаи назардан, тобора ортиб бораётган муаммо камбағал одамларнинг ўсиш жараёнларидан ҳақиқатан ҳам фойда олишларини таъминлашга ўтиш муаммосини ҳал этиш ҳисобланади. Аммо камбағалларни қўллаб-қувватлашда ўсишни турли хил, яъни камбағалларнинг шароитларини яхшилашга йўналтирилган ўсиш, камбағалларга бойларга нисбатан кўпроқ фойда келтирадиган ўсиш каби

йўллар орқали амалга ошириш ёки ҳаттоки қашшоқлик кўп ўлчовли ҳодиса бўлса-да, камбағалларга фойда келтирадиган сиёсатни яратишдан келиб чиқиб, сиёсатга даромадсиз ўлчовларни кўшиш муҳимлиги тушунилиши таъкидлашимиз мумкин.

Инклюзив ўсиш аксарият ҳолларда аҳолининг камбағал қатламларига нисбатан ўсиш таърифлари билан алмаштирилиши мумкин бўлса-да, бу аслида янада кенгроқ тушунчадир. Инклюзив ўсиш ҳар кимга ўсиш жараёнида иштирок этиш имкониятини беради ва шу билан бирга фойда биргаликда бўлинишига ишонч ҳосил қилади. Камбағал аҳоли ўзларининг шароитларини ёмонлаштирадиган ва уларнинг имкониятларини чеклайдиган, шу билан бирга камбағаллар дуч келадиган муаммоларни ҳам фойда олиш нуқтаи назаридан, ҳам иштирок этиш имкониятларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳисобга олсак, ўсиш ҳар кимга фойда келтириши керак.

Инклюзив ривожланиш индекси (ИРИ) қуйидаги учта йўналиш асосида 12 та параметрни қамраб олган ва шулар асосида ҳисобланади. (1-расм)



3-расм. Инклюзив ривожланиш индексини ҳисобга олиш кўрсаткичлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Умумжаҳон иқтисодий форуми маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ҳар бир гуруҳ тўрт параметрдан иборат:

- Ўсиш ва ривожланиш. Бу гуруҳ давлат иқтисодиётининг миқдорий баҳосини шакллантиради ва ялпи ички маҳсулотни яратиш жараёнида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлайди.

- Инклюзивлик. Кўриб чиқиладиган гуруҳ кўрсаткичлари миллий бойликларнинг мамлакат аҳолиси ўртасида тақсимланишига сифатли баҳо беради.

- Барқарор ривожланиш. Таклиф қилинаётган гуруҳ экологик ва ижтимоий омилларни, шунингдек, технологик ривожланишнинг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, кейинги иқтисодий ўсиш истиқболларини акс эттиради.


ИРИ нинг учта асосий қисми ЯИМ ўсиши, бандлик, меҳнат унумдорлиги, умр кўриш давомийлиги кабиларни ўз ичига олувчи ўсиш ва ривожланиш; ўртача уй даромадлари, қашшоқлик ва тенгсизлик кабилардан иборат инклюзивлик; жамғармалар даражаси, демографик юк, давлат қарзи ва атроф-муҳит ифлосланиши кабилардан ташкил топган авлодлараро тенглик ва барқарорлик ҳисобланади. Унинг мақсади товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эмас, балки аҳоли турмуш даражасини барқарор оширишга қаратилиши, иқтисодий ривожланишнинг яхлит манзарасини акс эттириши билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, ҳисоб - китобларга параллел равишда, охириги беш йил учун ҳар бир кўрсаткич бўйича таҳлил ўтказилади.

Сўнги ўн йилликда Ўзбекистон иқтисодиёти тез ўсди ва аҳолининг сезиларли қисми учун камбағаллик

чегарасидан юқори даражага кўтарилишга имкон берди. Ҳозирги кунда дунёла юз бераётган ҳарбий ҳаракатлар ҳисобига юзага келган мураккаб ташқи вазият Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатаётганлиги учун ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашнинг янги йўллари топиш зарурлигини кўрсатмоқда. Табиий газ, олтин ва бошқа минераллар экспортининг ошиши, юқори нархлардаги хом ашё товарлари савдоси давлат бюджетига тушумларни таъминлади. Бу тушумлар сезиларли даражада ошиб бораётган инвестицияларни ҳамда истеъмолни кўпайтиришга кўмаклашувчи иш ҳақини кўтаришни молиялаштиришга йўналтирилди.

Халқаро даражада камбағаллик чегараси Жаҳон банки томонидан халқаро таққослаш учун ишлатилади. Ўта камбағаллик чегараси сотиб олиш қобиляти паритети бўйича кунига 1 доллар миқдорида, камбағаллик чегараси эса кунига 2 доллар миқдорида белгиланади. Мазкур камбағаллик чегаралари ривожланиш жараёнларини инобатга олган ҳолда кўтарилиб бориш хусусиятига эга. Ҳозирги вақтда, турли мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш босқичларини ҳисобга олган ҳолда, камбағалликнинг бошқа чегаралари ҳам қўлланилади. Хусусан, даромади ўртача кўрсаткичдан паст бўлган давлатлар учун камбағаллик чегараси сифатида кунига 3,2 доллар, даромади ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар учун эса кунига 5,5 долларни қўллаш тавсия этилади. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси пасайди, бироқ сезиларли даражада бўлмади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий кўрсаткичлар ва камбағаллик даражаси [17]**


1-расм маълумотларидан шуни кўриш мумкинки 2012 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот 127,6 трлн сўмдан 734,6 трлн сўмгача кўтарилди, аҳоли сони эса 29,6 млн кишидан 34,6 млн кишигача етди. Ушбу боғлиқликни инобатга олган ҳолда мамлакат инклюзив ривожланишини ифода этувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ўртача 4 млн 285 минг сўмдан 21 млн 39 минг сўмгача кўтарилди. Мамлакат аҳолисининг умумий турмуш даражаси ошишига қарамай, халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобланган камбағаллик даражаси ушбу давр мобайнида нотекис ўзгарди ҳамда 2021 йилда 17 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабабларидан бири 2019 йилда бошланган пандемиянинг авж олиши ва унинг оқибатлари натижасида аҳолининг маълум қатламлари доирасида даромад

йўқотишларининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш бўйича тадбирларга эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизлик даражасини қисқартириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Қуйида келтирилган 2-расмда Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги ва ишсизлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўз ифодасини топган. Расмдаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, 2021-2021 йиллар оралиғида кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Хусусан, 2012-2016 йиллар мобайнида яширин ишсизликнинг мавжудлиги ва бу ҳақидаги маълумотлар очиқлик даражасининг паст даражада эканлиги расмий статистика маълумотларида 6 фоизгача бўлган ишсизлик даражаси билан чекланган. 2017-2021 йилларда мазкур маълумотлар очиқлик даражасининг ортиши ва статистикада



реал маълумотларни кўрсатиш даражасининг ортиши ҳисобига ишсизлик даражаси 2020 йилда 10,5 фоизгача кўтарилди ва 2021 йилда амалга

оширилган чора-тадбирлар натижасида унинг даражасини 9,6 фоизгача туширишга эришилди.



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг бандлик ва ишсизлик даражаси[18]**

Ушбу маълумотлар инклюзив ўсиш даражасининг мамлакатимизда камбағаллик даражасини қисқартириш жараёнларидаги аҳамиятини янада ошириб боради ва мазкур мавзунинг ҳозирги кунда долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Сўнгги 20 йил ичида Ўзбекистонда камбағалликни қисқариши нисбатан секин кечган бўлсада, бироқ барқарор ҳолда бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, аввал камбағаллик атамаси давлат томонидан ҳеч қачон қўлланилмаган. Яна бир ҳолат Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнлари

даромад даражасининг ўзгариши ва ўсиш суръатлари ўртасида тафовут мавжудлиги туфайли ҳам жуда секин кечди. Камбағалликни қисқартиришда камбағалликни эластиклик коэффицентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Камбағалликнинг эластиклик коэффицентини бу мамлакатдаги ялпи ички ёки ҳудудий маҳсулот 1 фоизга ўзгарганда мамлакат аҳолисининг камбағаллик даражаси неча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи ўлчов ҳисобланади. Бу кўрсаткич ўз навбатида мамлакатда ялпи ички ёки ҳудудий маҳсулот қандай ўзгариши, аҳоли сони

қандай ўзгаришига боғлиқдир. Бу кўрсаткичнинг 1 дан ортиқ бўлиши аҳоли турмуш даражасининг юқорилаб бораётганлигидан ва аҳоли ичида камбағаллик даражасининг қисқариши юқори даражада эканлигидан далолат беради. Жаҳон банки томонидан берилган расмий маълумотларга мувофиқ Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўсишига кўра камбағалликнинг эластиклик коэффициенти 0,5 га тенг бўлди, яъни ҳар сафар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 1 фоизга ўсганда, камбағаллик 0,5 фоизга қисқарди. Албатта бу анча паст кўрсаткич ва бу бошқа мамлакатлар билан солиштириганда халқаро стандартларга кўра ўртача кўрсаткичдан паст ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу кўрсаткични ошириб бориш ўз навбатида 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича Ўзбекистонни “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторидан жой олишига имкон яратади дейиш мумкин.

**Мунозара.** Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда иқтисодиётла пасайиш хавфларини олдини олиш мақсадида чоратадбирларни аҳоли даромадларини ошириш ва ишчи ўринларини яратишга йўналтириш лозим.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши аҳоли учун, айниқса даромад олишнинг кенг имкониятлар мавжудлиги нуқтаи назаридан сезиларли самарани бермади, шу сабадан ҳам камбағаллик чегарасини аниқлашнинг халқаро стандартлар асосида ўлчаш ва бунда ҳаёт кечириш учун зарур бўлган энг кам миқдорни аниқлашга ўтиш зарур. Бунда ушбу кўрсаткич миқдори ўсишини мамлакат фаровонлигини ўсиши билан

мос равишда амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонда инклюзив ўсишни таъминлаш қишлоқда яшовчи аҳоли ва фермер хўжаликлари даромадларини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалигини эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда ижтимоий ҳимояни таъминлаш, аёллар ҳамда жисмоний имконияти чекланганларни манфаатларини ҳисобга олиш сиёсатини қўллаш ҳисобига бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Хулоса.** Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда Ўзбекистон инклюзив ўсишга эришиш потенциалига эга эканлигини, айнан шундай ўсишни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш мумкинлигини эътироф этиш мумкин. Инклюзив ўсиш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодий ҳолати, соғлиқни сақлаш ва таълим, сув таъминоти, бойликни адолатли қайта тақсимланиши, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик ва уларнинг иқтисодий ресурсларни ошириш, иқтисодий имконият, жамоа иштирокини кучайтириш, хавфсизлик, ижтимоий муҳофаза қилиш, фаровонликнинг бошқа стандартлари, уларнинг атроф-муҳит устидан таъсири ҳамда албатта, ҳаёт ва оддий турмуш ўртасидаги фарқни камайтиришга хизмат қилади. Демак, инклюзив иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш самарадорлигини оширишнинг асосий омили самрали жойлаштрилган инвестициялардир. Чунки, асосий капитални ўсишини таъминлаш, инсон капиталини жамғариш, техника тараққиётини биргаликда қўллаш натижасида ижтимоий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бугунги кунда



мамлакатимизда техника кўникмалар билан таъминлаш учун тараққиётини ўстириш, янги иқтисодиётга хорижий инвестицияларни технологияни иқтисодиётга олиб кириш кириштириш кенгайтириш зарур ва инсон омилини замонавий малака-

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жаҳон банки маълумотлари асосида <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/topic/poverty/brief/global-poverty-line>
2. Uz.а Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
5. Bing Zhou, Xiaoyan Zeng, Lu Jiang, Bing Xue. High-quality Economic Growth under the Influence of Technological Innovation Preference in China: A Numerical Simulation from the Government Financial Perspective. Structural Change and Economic Dynamics. Volume 54, September 2020, Pages 163-17
6. Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития // М.Спенс, Р.Солоу и др. «ВесМир», 2009.// [http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth\\_Commission\\_Final\\_Report\\_Russian.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf);
7. E.Korso. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011 // <http://siteresources.worldbank.org/INTDEBTDEPT/Resources/468980-1316457581843/TPIGandHRV.pdf>;
8. K.Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It? When May We Not? // [https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031\\_No%201\\_2014\\_05.pdf?sequence=1](https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031_No%201_2014_05.pdf?sequence=1);
9. P.Vellala, M.Madala, U.Chhattopadhyay. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context // [http://www.ijhssnet.com/journals/Vol\\_4\\_No\\_13\\_November\\_2014/27.pdf](http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_4_No_13_November_2014/27.pdf);
10. C.Aoyagi, G.Ganelli. Asia’s Quest for Inclusive Growth Revisited. 2015, International Monetary Fund // <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1542.pdf>;
11. R. I Ranieri and R. A. Ramos, “Inclusive Growth: Building a Concept”, International Policy Centre for Inclusive Growth, Working Paper No. 104, March 2013.
12. OECD, All on Board. Making Inclusive Growth Happen, 2014.
13. E. Ianchovichina, and S. Lundstrom, “Inclusive Growth Analytics: Framework and Application”, World Bank Policy Research Working Paper, No. 4851.



14. Ali and H. Hwa Son (2007), "Measuring inclusive growth", Asian Development Review, Vol. 24, No. 1, pp. 11- 31.
15. UNDP, UNDP's Strategy on Inclusive and Sustainable Growth, 2017, p.
16. IMF, Fostering Inclusive Growth, 2017.
17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди
18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди